

Президент Ҳалима Яъқуб Самарқандга келди



14:54 / 25.05.2023 1037

Давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турган Сингапур Президенти Ҳалима Яқуб бугун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Зулайҳо Маҳкамова ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

«Афросиёб» поездида қадимий кентга келган олий мартабали меҳмонни вилоят ҳокими Э. Турдимов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

ЎзА хабарига кўра Сингапур президенти Ҳалима Яъқуб Самарқанд билан танишувни зиёратдан бошлаш мақсадида Имом Бухорий мажмуаси томон йўл олган.